ХАЛҚАРО ҲИСОБ АНДОЗАЛАРИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАРНИ ТАН ОЛИШ, БАҲОЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Шерзод Набиев Абдурашид ўғли
ТерДУ магистри
Sherzod.nabiyev.93@mail.ru
https://doi.org/10.5281/zenodo.7722398

Аннотация: Мақолада хўжалик юритувчи субъектларда узоқ муддатли активларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тамойилларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва бу кўрсаткичлар бўйича иқтисодчи олимлар ҳамда меъёрий-ҳужжатларда келтирилган таърифлар билан ёритилган .

Калит сўзлар: Халқаро бухгалтерия ҳисоби, Молиявий ҳисобнинг халқаро андозалари, узоқ муддатли активлар, Харажатлар ва даромадлар, динамик бухгалтерия, статик бухгалтерия, Статик концепция.

Аннотация: В статье описывается система показателей, отражающих принципы признания, оценки и учета долгосрочных активов в хозяйствующих субъектах, и определения, данные экономистами, и нормативные документы по этим показателям.

Ключевые слова: международный учет, международные стандарты финансового учета, долгосрочные активы, затраты и доходы, динамический учет, статический учет, статическая концепция.

Annotation: The article describes the system of indicators representing the principles of recognition, evaluation and accounting of long-term assets in economic entities and the definitions given by economists and normative documents on these indicators.

Key words: International accounting, International standards of financial accounting, long-term assets, Costs and income, dynamic accounting, static accounting, Static concept.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Халқаро ҳисоб андозаларида узоқ муддатли активларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тамойиллари, унинг функциялари, шакл ва тамойиллари бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўзларининг тадқиқотларида ва халқаро конференцияларда фикр ва муҳозаларини келтириб ўтишган.

Мисол учун, 21-сон БҲМСдаги счётлар режасида узоқ муддатли активларнинг таркибий қисмига қуйидагилар киритилган: 1) асосий воситалар; 2) номоддий активлар; 3) узок муддатли инвестициялар; 4) ўрнатилишга

мулжалланган асбоб-ускуналар; 5) капитал қуйилмалар; 6) узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати узайтирилган харажатлар (44, 265-267-бетлар).

О.Бобожонов ва К.Жуманиёзовлар (66, 97-бет.) узок муддатли активларга асосий воситалар ва номоддий активларни киритганлар.

К Б. Уразов (1 14, 12-23-6.) узок муддатли активлар хисобини а) асосий воситалар, б) номоддий активлар, в) капитал қуйилмалар ва г) молиявий қуйилмаларга бўлиб ёритади.

Ушбу миллий адабиётларимизда акс эттирилган ва амалиётга жорий қилинган узок муддатли активларнинг таркибини халқаро стандартлар ва маьлумотларга уйғунлаштириш зарурияти мавжуд деб хисоблаймиз. Бу уйғунлаштириш масалаларини ХИИКлар тажрибасида кўриб чиқиш мақсадга мувофикдир.

Хорижий адабиётларида “узоқ муддати активлар” алохида мустақил иқтисодий тушунча (категория) даражасида тавсифланади. Ушбу тушунчанинг мохияти ва таркибий қисмларини хорижлик олимлар атрофлича эътироф этганлар, улариши асосийлари келтирилган. Талқиқот натижалари шуни кўрсатиб турибдики, муаллифлар узоқ муддатли активлар ва инвестицияларни учта йирик гурухга ажратганлар: 1) моддий активлар; 2) номоддий активлар; 3) молиявий инвестициялар. Муаллиф (Ж.Г.Сиегел, Д.Мпнарс)лар 4) “муддати узайтирилган харажатлар” ни алоҳида тўртинчи гуруҳ қилиб ажратишганлар.

Бу олимларни узоқ муддатли активларнинг таркибий кисмларига берган тавсифларини умумлаштирган холда куйдагича изохлаймиз.

Узок муддатли моддий активлар - бу жисмоний кўринишга эга бўлган ва узок муддатга фойдаланишга мўлжалланган ва ундан фойдаланиш келгусида иқтисодий наф келтирадиган воситалардир.

Узок муддатли номоддий активлар - бу жисмоний кўринишга эга бўлмаган активлар ва мулклардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ ва талаб килиниши мумкин бўлган бошқа ҳуқуқлар бўлиб, улардан фойдаланиш келгусида иктисодий наф келтирадиган воситалар ҳисобланади.

Узок муддатли молиявий инвестициялар - бу корхона маблағларининг кимматли қоғозларга ва бошқа корхоналар фаолиятига киритилган сармояларни ўз ичига олпб, корхонага дивиденд, фоиз ва бошқа кўринишларда иқтисодий наф келтирадиган активлардир.

Ўрганилган адабиётларда муаллифлар томонидан узок муддатли моддий активлар таркибини белгилашда икки хил ёндашув борлиги аникланди.

Биринчи ёндашув тарафдорларига Р.Н.Энтони , Т.П.Эдмонти ва Р.Л Лихом ни киритишимиз мумкин. Бу муллифлар узоқ муддатли моддий активларни уч гурухга ажратпшади. l-гуруҳга Ер (Л.Дихомдан ташқари), 2-гуруҳни

муаллифлар турлича номлайдилар Бунда , ушбу гуруҳга Р.Х.Энтони ва Б.Нидлз - бино ва асбоблар ускуналар.

Т.П.Эдмонст - машина, бино на асбоб-ускуналар деб эътироф этадилар. Бу ёндашувда фақат Р.Л. Дихон ерни активлар каторига киритилмаган ва 2- гуруҳни мустақил ажратган (“Бино ва иншоатлар”ва “Машина асбоб-ускуналар). 3-гуруҳ табиий ресурсларни киритадилар.

Иккнмчи ёндашиш тарафлорлари Ж.Г. Сиегел ,К.Д- -Ларсон, Р. Либби, Р.Х. Хермонсопларни киритиш мумкин. Бу олимлар узоқ муддатли моддий активларни икки гуруҳга ажратишади: 1. Мулк, бино ва асбоб-ускуналар (Property, plant arid equipment) (1.1. Ер, 1.2. Бино, 1.3 Ерни обдонлаштириш (факат К.Д. Ларсонда), 1.4 Машина ва асбоб ускуналар, 1.5 Офис жиҳозлари ва ускуналари (факат К.Д. Ларсон ва Р.Либбида), 1.6 Қазилма бойликлар (фақат Ж.Г. Сиегелда); 2. Табиий ресурслар (Ж.Г. Сиегелдан ташқари).

Илмий-тадқиқот ва илмий-конструкторлик ишланмалари моддасини номоддий активлар каторига киритиш бўнича хам муаллифлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Ўрганилган муаллифлардан фақат тўрттаси ушбу фикрни бир хилда эътироф этишган.

Бизнинг фикримизча, активлариинг таркибий қисмлари бўлиб 1) жорий активлар ва 2) жорий бўлмаган активлар ҳисобланиши лозим (2.1- чизма).

“Жорий булмаган активлар”ни иктисодий атамаларда кенгроқ қўлланиладиган “узоқ муддатли активлар” деб номлаш, бизнингча, унинг мохиятини туларок мужассамлаштиради.

Бизнинг амалиётимиз ва чет эл тажрибасини уйғунлаштирган ҳолда узоқ муддатли моддий активларни икки гуруҳга ажратиш максадга мувофиқдир:

1) Мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар;

А)Бино ва иншоотлар

Б)Машина ва асбоб ускуналар

В)Офис жиҳозлари ва ускуналари

2)Ўрнатилмаган асбоб ускуналар ва тугалланмаган капитал куйилмалар.

Чет эл адабиётларида кўпчилик муаллифлар “ер ва ерни ободонлаштириш” хамда “табиий ресурслар” ни узоқ муддатли моддий активлар таркибига киритишади. Бизнинг амалиётимизда, хусусан, хусусий мулк субъекти ҳисобланмайди, шунинг учун уларни узоқ муддатли моддий актив сифатида ифодалаш мумкин бўлмайди.

Тадқиқот методикаси.


Мақолада тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, функционал ва қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, прогнозлаш, мантиқий хулосалаш, статистик маълумотларни таққослаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Таҳлили ва натижалар.

Иқтисодиётни марказдан туриб режалаштириш шароитидаги бухгалтерия ҳисоби тамойиллари иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш талаблари ва жамоавий мулкчиликка асосланган эди. Жамоавий муносабатлар тизими ҳамда мулкий муносабатларнинг ўзгариши бухгалтерия ҳисоби қоидаларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Янги тамойиллар ҳозирги бозор иқтисодиёти моделига асосланган бўлиши, иқтисодиёти ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳамда халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаларига жавоб бериши лозим.

Халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаларида қуйидаги асосий қоидалар белгилаб қўйилган:

1-расм.



1-расм. Халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаларида асосий қоидалар
Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Шуни таъкидлаш лозимки, халқаро андозаларга киритилган тамойилларнинг сезиларли қисми бизнинг мамлакатимиз томонидан қабул қилинган концептуал тизимга мос келади. Ўзбекистон Республикаси миллий бухгалтерия ҳисоби андозаларида бухгалтерия ҳисобининг тўртта асосий тамойиллари шакллантирилган. Бухгалтерия ҳисобининг кўплаб тамойилларидан узоқ муддатли активларни ҳисобга оладиган, шунингдек, ҳисобни юритишнинг усуллари ва услубиятини шакллантирадиган тамойилларини ажратиб олиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Узоқ муддатли активларни ҳисобга олиш тамойиллари келтирилган.

2-расм.

Молиявий ҳисобот таркибидаги ахборотларнинг сифат таснифлари:	
1.	тушунарлилик;
2.	муҳимлилик;
3.	ишончлилик;
4.	ишончли тавсилот;
5.	моҳият(мазмун)нинг шаклдан устунлиги;
6.	бетарафлик, эҳтиёткорлик;
7.	тўлиқлик;
8.	ўз вақтидалик;
9.	даромад ва харажатлар ўртасидаги нисбатнингмутаносиблиги;
10.	сифат таснифлари ўртасидаги мутаносиблик;
11.	ишончли ва объектив тасаввур.

2-расм. Молиявий ҳисобот таркибидаги ахборотларнинг сифат таснифлари
Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Бизнинг фикримизча, юқорида баён қилинган фикрлар узоқ муддатли активлар таркибини молиявий ҳисоботнинг халқаро андозалари талабларига кўра, уйғунлаштиришга кўмаклашади.

Узоқ муддатли активлар корхона фаолиятида иштирок этадиган муҳим иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. Янги иқтисодий муносабатлар шароитида мазкур иқтисодий категория етарлича чуқур ўрганилмаган. Шунинг учун унинг тоифаларини аниқловчи асосий тавсифларни ҳар томонлама кўриб чиқиш зарур. Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур тадқиқотлар узоқ муддатли активларнинг айрим назарий масалаларини аниқ бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тадбиқ этишга қаратилган.

3-расм.

Ўз фаолиятини тугатаётган корхона учун узоқ муддатлиактивларни баҳолашда реализацион қиймат усули қўлланишифойдали. Бунда қуйидаги ҳолатлар вужудга келиши мумкин:	
1.	Юридик шахс активларининг реализацион қийматикредиторларнинг қарзини қоплаш учун етарли.
2.	Юридик шахс активларининг реализацион қийматикредиторлар талабини қондира олмайди ва улар ўзларигатегиши мумкин бўлган улушининг бир қисмини олади.

3.	Юридик шахс активлари реализацион қиймати қарзлардан анчакўп ва у қарзларни тўлалигича ёпиш учун етарли;

3-расм. Узоқ муддатли активларни баҳолашда реализацион қиймат усули қўлланиши фойдалилиги

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Шундай қилиб, корхона фаолиятининг узлуксизлиги тамойилини узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисобига татбиқ этиб, қуйидагича ифодалаш мумкин: фаолият олиб бораётган корхонанинг узоқ муддатли активлари баланс қиймати (дастлабки, жорий тикланувчи, жорий бозор, қолдиқ баҳолари)да баҳоланади. Корхона фаолияти тўхтатилиб оралиқ тугатиш баланси тузилаётганда, узоқ муддатли активларни баҳолаш реализацион қиймат бўйича амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботларни тузиш тартибининг концептуал асосига кўра, ҳисоблаш тамойили корхона хўжалик фаолиятининг маълум бир даврини тавсифлайди, яъни содир этилган хўжалик операциялари пул маблағларининг тўланган ёки олинган пайтига эмас балки айнан ўша тавсифланган даврга тааллуқли, деб тан олинади. Шундай қилиб, ҳисоблаш тамойили - бу бухгалтерия ҳисобида бўлиб ўтган хўжалик операцияларини мазкур ҳисобот даврида тан олиш лозим эканлигини эътироф этиш, демакдир. Шунинг учун корхона фоалияти тугатилаётганда, активларни сотиш баҳоси уларни сотишдан олинадиган даромадларни ҳисоблаш имконини беради.

4-расм.

Молиявий ҳисобнинг халқаро андозаларида мазкур тамойил кенгроқ талқин этилади. Мазкур тамойилнинг 4 та таркибий қисмларини ажратиш мумкин:	
1.	Операция ва ҳодисалар пул ва унинг эквивалентларининг келиб тушишига қараб эмас, балки улар ҳақиқатда амалга ошишига қараб тан олинади;
2.	Операция ва ҳодисалар қайси даврда амалга оширилганлигига қараб ўша даврнинг молиявий ҳисоботларида кўрсатилади ва ҳисоб регистрларида қайд қилинади;
3.	Харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда бевосита кўрилган зарарлар ва ишлаб топилган аниқ даромадлар солиштирилганда тан олинади;
4.	Таққослаш концепциясининг қўлланиши бухгалтериябалансида актив ва мажбуриятларни белгиламайдиган моддалар бўлишига йўл қўймайди.

4-расм. Молиявий ҳисобнинг халқаро андозаларида тамойилларни талқин этилиши.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Бизнинг фикримизча, ҳисоблаш тамойилини 3 та асосий таркибий қисмга бўлиш мумкин: харажатларни аниқлаш тамойили, даромадларнинг харажатларга мос келиши тамойили, қайд қилиш тамойили. Харажатларни аниқлаш тамойилининг маъноси шундан иборатки, харид қилинган активларга тўланган пул ва унинг эквивалентлари ўз ҳолича харажат ҳисобланмайди, балки ўша маблағларни тўлаш мажбуриятларининг вужудга келиши харажат бўлиб ҳисобланади. Даромадларни қайд қилиш тамойили улар қайси ҳисобот даврида рўй берган бўлса, улар учун пул маблағларини ҳақиқатда келиб тушган вақтидан қатъий назар, уларни ўша ҳисобот даврида тан олинишини билдиради.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисоби қоидаларида даромад олишнинг асосий мезони қилиб мулкка эгалик ҳуқуқининг сотувчидан олувчига ўтиш пайти қабул қилинган. Узоқ муддатли активлар бўйича операцияларда алоҳида объектларни вақтинчалик фойдаланишга беришдан ҳам даромад олиш мумкин.

Даромадларнинг харажатларга мос келиш тамойили шуни кўзда тутадики, даромад олиш учун қилинган харажатлар бухгалтерия ҳисобида даромадлар кўрсатилган даврда келтирилади. Бу тамойилнинг муаллифи немис олими Э.Шмаленбах ҳисобланади. Унинг фикрича, узоқ муддатли активлар - бу келгусида даромад олиш учун бугун қилинган харажатдир.

Мос келиш тамойилининг қўлланиш заруриятини россиялик иқтисодчи олимлар ҳам таъкидламоқдалар. Профессор Я.В.Соколов мазкур тамойилнинг маъносини қуйидагича талқин қилади “Даромад келтиришга сабаб бўлган харажатлар олинган даромад қайси даврга тегишли бўлса, ўша даврга тегишли бўлади”[18].

Профессор М.И.Кутернинг таъкидлашича, - “Мазкур тамойилнинг қўлланиши давр харажатларини ишлаб чиқариш таннархига тенглаштиришга имкон беради”[19].

Мос келиш тамойилини амалиётда қўллаш анчайин қийин ҳисобланади. Мазкур тамойилнинг қўлланилиши ҳисобот даврида ишлаб топилган даромад, албатта, шу даврда амалга оширилган харажатларга боғлиқ бўлишини тақозо этади. Ушбу тамойилни амалга ошириш учун хориж амалиётида бухгалтерия ҳисобининг махсус усулларини қўллаш кўзда тутилган. Бу усуллар констатация ёки трансформация, деб ҳам аталади. Харажатлар ва даромадларни бир ҳисобот даврида ҳисобга олиш констатация усули, деб эътироф этилса, харажатлар ва даромадлар икки ёки ундан ортиқ ҳисобот даврларига тегишли бўлса, трансформация вужудга келади.

5-расм.

[18] Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. - М.: Финансы и статистика, 2002. - С. 48

[19] Кутер М.И. Теория и принципы бухгалтерского учета. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, Экспертное бюро, 2000. - С.135

Узоқ муддатли активни тан олиш кетма-кетлиги.

Узоқ муддатли активлар бўйича пул оқимларини олиш ҳуқуқи тугамадими ?	Ҳа →	Узоқ муддатли активни тан олиш тўхтатилади
ЙЎҚ ↓		
Корхона узоқ муддатли активлар бўйича пул оқимларини олиш ваколатини бошқага бермаганми?		
ЙЎҚ ↓		
Корхона узоқ муддатли активлар бўйича пул оқимларини ўтказиб бориш мажбуриятини олганми?	Ҳа →	Узоқ муддатли активни тан олиш давом эттирилади
ЙЎҚ ↓		
Корхона узоқ муддатли активлар бўйича олинадигаи наф ва рискларни бошқага берганми?	Ҳа →	Узоқ муддатли активни тан олиш тўхтатилади
ЙЎҚ ↓		
Корхона узоқ муддатли активлардан олинадиган наф ва рискларни ўзида сақлаб қолганми?	Ҳа →	Узоқ муддатли активни тан олиш давом эттирилади
ЙЎҚ ↓		
Корхона узоқ муддатли активларни назорат қилишни ўзида сақлаб қолганми?	Ҳа →	Активни тан олиш тўхтатилади
ЙЎҚ ↓		
Узоқ муддатли активни тан олишни давом эттиради		

5-расм. Узоқ муддатли активни тан олиш кетма-кетлиги.

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Бизнинг фикримизча, узоқ муддатли активларни ҳисобга олишда мулкий алоҳидалик тамойили билан юридик шаклдан иқтисодий мазмуннинг устуворлиги тамойили ўртасида узвий боғлиқлик бўлиши зарур.

Бундан ташқари, ушбу икки тамойилнинг амал қилиши даромад ва харажатларнинг мутаносиблик тамойилига асосланган бўлиши лозим. Мулкдан фойдаланувчи активлардан фойдаланиш натижасида иқтисодий наф олар экан, у ҳолда мулкнинг юридик ҳуқуқи активларнинг бухгалтерия балансида акс эттиришга асос бўлмаслиги керак

Халқаро андозалар томонидан талқин қилинган узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисоби ва уларни баҳолашни ўзгартиришга нисбатан эҳтиёткорлик тамойили мамлакатимиздаги бухгалтерия ҳисоби амалиётида қўлланилиши мумкинми?

Узоқ муддатли активларнинг бир қисм объектларида икки хил эҳтиёткорлик концепциялари мавжуд:

- динамик бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан эҳтиёткорлик тамойили, бунда узоқ муддатли моддий активларнинг фақат сотиш ёки бошқа сабаблар билан ташлаб чиқиб кетиш ҳолатидаги реал қийматини аниқлаш кўзда тутилади;

- статик бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назаридан эҳтиёткорлик концепцияси-бу ҳали сотилмаган узоқ муддатли активларнинг потенциал зарарини эътиборга олишни кўзда тутади;

Статик концепция амалдаги бухгалтерия ҳисоботларида тўлиқ қўлланилмайди. Лекин эҳтиёткорлик тамойили уни амалда қўллаш имконини беради.

Жорий, келгуси давр ва капиталлашган харажатларни алоҳида ҳисобга олиш усули корхонанинг узоқ муддатли активларни сотиб олиш ва кейин уларни жорий ёки келажак давр харажатларига киритиш бўйича харажатларини бухгалтерия ҳисобида кўрсатиш учун қўлланилади.

Узоқ муддатли активларни сотиб олиш пайтида корхонанинг бир марталик катта харажатлари вужудга келади. Ушбу харажатлар пул маблағларини тўлаш, дебиторлик қарзларининг вужудга келиши, бошқа активларга алмаштириш орқали амалга оширилиши мумкин. Кўрсатилган харажатлар корхонанинг узоқ муддатли активлари қийматини ошириши ҳамда жорий ёки келажак давр харажатларига тегишли бўлиши мумкин. Шунинг учун юқоридаги харажатларни жорий, келгуси давр ва капиталлашган харажатларга ажратиш жуда муҳим. Шундай қилиб, узоқ муддатли активларни сотиб олганда, сотиб олиш бўйича харажатларнинг катта қисми капиталлаштирилади, бироқ харажатларнинг бир қисми жорий давр харажатларига киритилиши мумкин.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари узоқ муддатли активларни ҳисобга олишнинг концептуал асосини белгилайди. Шунинг учун

корхоналарда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва унга амал қилишда мазкур тамойиллар талабини бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларига мувофиқ узоқ муддатли активларни бошқа пул бўлмаган активларга айирбошлашни акс эттириш вариантини фақат номонетар активлар ўз иқтисодий моҳияти бўйича ҳар хил бўлган тақдирда қўллаш мумкин. Бу ҳолатда товарни айирбошлаш операцияси натижасида фойда олиш жараёни тугатилиб фойда ёки зарар тўлиқ акс эттирилади. Агар узоқ муддатли активлар бир хил функцияли узоқ муддатли активларга айирбошланса, айирбошлаш операциялари бўйича молиявий натижа ҳисобда акс этиши мумкин эмас. Бундай айирбошлаш жараёнининг мақсади активларнинг натурал мулк таркибини ўзгартиришга қаратилган, бу вариантда олинадиган активларнинг бошланғич қиймати бериладиган активларнинг баланс (қолдиқ) қийматига мувофиқ бўлиши керак. Мақолада ишлаб чиқилган методологик қоидаларни амалга тадбиқ этиш-хўжалик юритувчи субъектларда узоқ муддатли активларни бошқариш жараёнида илмий асосланган қарорлар қабул қилишдаги ахборотлар таъминотини такомиллаштиришга олиб келади.

Хулоса қилиб бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи мақсадлари учун корхона активларини эътироф этиш асосида динамик бухгалтерия баланси концепцияси ётиши керак. Активларни назорат қилиш даражаси эгалик қилиш юридик ҳуқуқи билан чегараланиши керак. Активларга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар улар томонидан тўлиқ назоат олиб борилгандагина балансда акс эттирилиши мумкин.

Корхонанинг “Мулк” ва “Активлар” тушунчалари турли хил маънога эга. Бухгалтерия ҳисоби қоидаларига биноан корхона молиявий ҳисоботига киритилган иқтисодий ресурслар мажмуаси мулк бўлиб ҳисобланади. Олинган иқтисодий манфаатнинг харажатларга мувофиқлик тамойилини амалда тадбиқ этиш учун активлар мажмуасидан зарар келтираётган объектларни чиқариб ташлаш керак. Ушбу объектларни ҳисобга олиш учун алоҳида “Фойда келтирмаётган активлар” счетини киритиш зарур.

Корхоналарнинг бошқа активларидан узоқ муддатли активларни қуйидаги мезонлар ажратиб туради: моддий, номоддийлиги ва молиявийлиги (физик шаклга эгалиги, моддийлашмаган ва молиявий инвестициялар шаклларида эканлиги), йўналиши (келгусида иқтисодий наф келтирувчи), фаолият соҳаси (маҳсулот ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатишда, маъмурий эҳтиёж, ижарага бериш), фойдаланиш давомийлиги (бир йилдан ортиқ давр мобайнида).

Узоқ муддатли активлардан фойдаланиш, эгалик қилиш ва бошқариш ҳуқуқи асосий таснифлаш белгиси бўлиб, ҳисобланиши керак.

Хулоса ва таклифлар

Мақолада бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш ва тижорат

ташкилотларининг молиявий активларини текшириш муаммоларига назарий умумлаштириш ва янги йечим тақдим етилган бўлиб, бу муаллиф томонидан олинган қуйидаги илмий ва амалий натижаларда намоён бўлади:

1. “Молиявий активлар” бухгалтерия тоифасининг муаллифлик таърифи шартнома муносабатлари билан шартланган, бошқа ташкилотларнинг қимматли қоғозлари ва устав капиталига қўйилган инвестициялар, берилган ссудалар ва товарлар (ишлар, ишлар) учун дебиторлик қарзлари сифатида кўрсатилган маблағлар ва инвестиция объектлари йиғиндиси сифатида берилган хизматлар.

2. Молиявий активларни ҳисобга олишнинг Ўзбекистон Республикаси ягона стандартини (регламентини) ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

3. Молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисоби таснифи ишлаб чиқилди ва асосланди, у объектнинг ўзига хос хусусиятларига ва ушбу актив олиб келадиган инвестиция даромади (фойда) турига қараб активдан кейинги фойдаланиш бўйича бошқарув ниятларига асосланади. Қимматли қоғозлар нархининг қисқа муддатли тебранишларидан ёки фоизлар, қарз қимматли қоғозлари бўйича чегирма, дастлабки қарз суммасини тўлаш ва бошқалар шаклида инвестиция даромадларини олиш учун қилинган инвестициялар). Таснифлаш гуруҳларидан бирига мансублик тўғридан-тўғри молиявий активни дастлабки баҳолаш ва кейинги қайта баҳолаш натижалари жорий бухгалтерия ҳисобида акс еттириш тартибини аниқлайди.

4. Бухгалтерия ҳисобида молиявий активларни тан олиш (ҳисобдан чиқариш) мезонлари иқтисодий мазмунининг (иқтисодий фойда олиш еҳтимоли, объектларни баҳолашнинг ишончлилиги ва бошқалар) ҳуқуқий шаклдан (бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги) устунлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

5. Таснифлаш гуруҳига мансублигига ва дастлабки баҳолашга қараб ташкилотнинг молиявий натижасига ёки заҳира капиталига тегишли бўлган молиявий активларни дастлабки ҳисобга олиш ва уларни қайта баҳолаш натижалари учун методология ишлаб чиқилган. Бухгалтерия ҳисобида молиявий активни баҳолашга таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида ушбу объектнинг ўзига хослиги таклиф қилинади, бу уни баҳолашнинг мумкин бўлган турларининг умумийлигини белгилайди, шунингдек, бухгалтер енг кўп танлаган профессионал бухгалтерия мулоҳазасидир. Молиявий натижага таъсир қилиш нуқтаи назаридан баҳолашнинг самарали тури. Муаллиф молиявий активларни дастлабки тан олишда уларни баҳолашнинг асосий тури сифатида адолатли қийматни қабул қилишни тавсия қилади. Одатда, бу актив учун тақдим етилган тўловнинг қиймати бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон республикаси президентининг фармони, 28.01.2022 йилдаги пф-60-сон 29.01.2022 Ўзбекистон республикаси президентининг фармони 2022-2026-йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 24.02.2020 й № ПҚ-4611, “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

3. Абдуллайев.А, Муйдинов.Е, Мамажонов.А, Авазов.Е Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари:1000 та тестга 1000 жавоб. – Т.: Иқтисодиёт дунёси, 2021

4. Абдуллайев.А, Хожибойев.М, Мамажонов.А, Авазов.Е Иқтисодий таҳлил. – Т.: Иқтисодиёт дунёси, 2021

5. Уразов.К.Б., Пўлатов.М.Е. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Инновацион ривожланиш, 2020

6. Каримов.А.А. ва бошқалар. Молиявий ҳисоб ва ҳисобот. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-Молия, 2018

7. Pei, D. & Vasarhelyi, M. A. (2020). Big data and algorithmic trading against periodic and tangible asset reporting: The need for U-XBRL. International Journal of Accounting Information Systems, 37, pp. 100453.

8. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Ҳаммуаллиф – Т.: “МОЛИЯ”, 2010 – 272 б

9. Молиявий ҳисоботнинг халқаро андозалари: рус тилидаги нашри. – М.: Аскери- АССА, 1998.- 384

10. Николайева О. Международние стандарти финансовой отчетности. М.: УРСС, 2005